

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 74 (65950)
1996 йил, 9 октябрь, чоршанба

Сотувда эркин
нарҳда

— Бунча яхши бола экансан...
— Яхши бола эканлигимни биламан, лекин купчилик ёмон бола деб айтади.
— Нима учун?
— Сураганим йук, узларидан суранг.
— Қаердан-келаяпсизлар?
— Хайвонот боғидан...
— Нега қовоғинг солиқ?
— Қафасда бизнинг тоғдан келтирилган бургутни кўрдим. Уни олиб кетмоқчи эдим, беришмади. Ахир, бургут тоғлар сиз қандай яшайди.
— Ие, тоғликмисан?
— Ҳа!
— Шаҳар сенга ёқдими?
— Йук. Бу ерда угил болани куп тергашаркан.
— Сизларда тергашмайдими?
— Йук. Бизнинг қишлоқда меҳрибон қари момолар угил болани тергаётган аёлни куришса, узларини тергашади. Туйларда ҳам бизларни турга чиқариб турам деб эркалатишади.
— Уқишларинг яхшими?
— Баҳоларим яхши. Дарслар жуда узоқ, зерикиб кетаман. Ҳамма фанларни бир хил ўқитишади. Кейин... узимизга уз қулимизни узимиз боғлаб ўғиришимизни ургатишади.
— Нималарни яхши курасан?
— Тоғларни. Уйимиз яқинидаги сойни, кучугимни, қиш-

Сухроб Комилов: «МЕНИНГ ДАДАМ ЗҮР ШОИР...»

Троллейбус кутаётиб, бекатдаги нигоҳлари ўткир, негадир маъусроқ бир бола эътиборимни ўзига жалб қилди. Бу бола Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, Абдулла шоир номли 24-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Сухроб Комилов экан. Троллейбус кутиш баҳонасида Сухроб билан анча суҳбатлашиб олдик. Марҳамат, шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

логимни...
— Бадиий китоблар ўқийсанми?
— Ҳа, лекин жуда кам.
— Нега?
— Баъзи китобларни дадам ўқима десалар, баъзиларини ойим бунча майда насиҳатларни сенга узим бераман, дейдилар. Яна қизиги, китоблардаги болалар бизга ухшамайди.
— Сизларга ухшаган болалар қанақа?
— Биз у болаларга нисбатан купроқ нарсаларни биламиз. Қишлоғимиздаги болалар ҳам китоблардаги болалардан анча кейин яшаётганга ухшайди. Биз «Денди» уйнаймиз. Ҳар хил жисмлардан узимизбоп техникалар ясаймиз. Болалар учун ёзиладиган китоблардаги ҳавас қилинадиган велосипедларнинг бизга қизиги йук. Иложини топсак машина ҳайдашимиз ҳам мумкин.
— Бироз мақтанчоқмисан,

лейман.
— Узларинг ҳам мақтанасизларку!
— Ким, бизми?
— Умуман, катталар.
— Даданг ҳам мақтанадими?
— Йук, дадам мақтанмайдилар. Йиғлаган, аразлаган, ута ювош болаларни ёмон курадилар. Шунинг учун ҳам менинг шўхликларим баъзан кечирилади. Бир ўқитувчимиз мени уришаётиб, «Даданг ҳам ёшлигида сенга ухшаган эди» дедилар. Мен хафа булмадим, аксинча, фахрланиб кетдим. Демак, катта булганимда мен ҳам дадамга ухшаган булам.
— Нега онангга эмас, дадангга ухшашни хоҳлайсан?
— Угил болалар оталарига ухшашлари керак.
— Даданг ким?
— Менинг дадам Мухтор Комил.
— Ҳа-а, шоирми?
— Йук, менинг дадам зур шоир.

— Қаердан биласан?
— Онам ҳам шунақа дейдилар.
— Дадангнинг шеърларидан ёд биласанми?
— Биламан.
— Унда бирортасини бизга ҳам айтиб бер.
— Майли. Эпитинг.
Отабек ким?
Кумушбиби ким?
Нега жимсан, жавоб бер,
ўғлим.
Ўқимасан «Ўтган кунлар»ни,
Дей «икки» қўйди муаллим.
Ўқигандим «Ўтган кунлар»ни
Узоқ хаёлларга толгандим.
Юрагимга ютдим унларни,
Мен Кумушни севиб қолгандим.
Кўзларимда ёшлар айланди,
Кумуш — севги, билардим, ахир,
Лекин жуда наст баҳоланди
Ҳеч кимсага сотилмаган сир.
— Баракалла, раҳмат!
— Опа, сиз кимсиз?
— Сен «Тонг юлдузи» деган газетани ўқийсанми?

— Мен фақат шу газетани ўқийман.
— Мен ана шу газетада ишлайман. Айтгандай, нега фақат шу газетани ўқийсан?
— Дадам менга фақат узингга тегишли булган нарсаларнигина ўқи, деганлар.
— Газетамиз сенга ёқадими?
— Ёқади.
— Газетамизга обуна булдингми?
— Албатта.
— Айт-чи, уртоқларинг ҳам обуна булишадими?
— Менимча, булишлари шарт. Чунки, болаларга атаб чиқариладиган фақат шу газета-ку. Шуни ҳам ўқишмаса, нимани ўқишади.
— Сухроб, сен билан мазза қилиб суҳбатлашдик. Балки, меҳмонимиз буларсан.
— Таклифингиз учун раҳмат, опа, лекин кетишим керак.
— Қаёққа?
— Тоғларга, тоғларни жуда соғиндим.
— Майли, омон бул, тоғларнинг булбули.
— Тоғларда угил болаларни бургутга ва лочинга қиёслашади.
Хайр, сиз ҳам омон булинг, опа!..

Суҳбатдош: Ҳалима АХМЕДОВА.

Бизга ёзадилар



БУЛТУР ҲАМ ШУНДАЙ ЭДИ

Синфимизда, нафақат синфимизда, мактабимизда ҳам «Тонг юлдузи» ихлосмандлари жуда куп. Ҳатто купчилик болалар уз ижодлари билан газета саҳифаларида чиқишган. Менга ундаги «Нилуфар», «Шанба-ота-оналар куни», «Хандобус», «Мунозара» клублари материаллари жуда ёқади, тенгдошларим. ижоди — шеърлар, ҳикояларни қизиқиб ўқийман. Утган йилдаги каби бу йил ҳам севимли газетамга 1997 йил учун обуна булишга аҳд қилдим.

Гулноза ШАРОПОВА,
Ғиждувон туманидаги «Муғолон» қишлоғи.

«МИЛЛАТЧИНИНГ ДАРДЛАРИГА ДАРМОҲ БҲЛ»

Яқинда Сирғали туманидаги 104-мактабда «Амирнинг фарёди» деб номланган театрлаштирилган кеча ўтказилди. Бобомиз Амир Темур сиймосини мактаб директори Абдунаби Орипов яратди. Рақсларни бўлса «Умид» кичик театри раҳбари Раҳима Юсупова саҳналаштирди.

Ҳозирги кунда Абдунаби ака мактабда «Адабиёт дурдонаси» деб номланган кичик синф хонаси ташкил қилди. Ушбу хона бобомиз Амир Темур туйига бағишланди. Илм даргоҳида булардан ташқари ҳам қувонарли ишлар талайгина. 11-«А» синф ўқувчиси Дипноза Аҳмедова мактаблараро бўлиб ўтган

«Темур бобомиз ҳақида» деб номланган иншолар кўрик-танловида фахрли уринни олди. Ҳозирги кунда билим масканида «Миллатнинг дардларига дармон бул» деб номланган театрлаштирилган кечага тайёргарлик кўриляпти.

Акмал АЗИМОВ.

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР» КУНИ

Ким нимага қизиқади? Кимда қандай тугарақларга аъзо булиш истаги бор? Ушакунини пойтахтимиздаги болаларнинг купчилиги Республика ўқувчилар техник ижодиёт Маркази томон оқиб келаверди. Чунки бу ерда «Очиқ эшиклар» кунини ўтказилаётган эди-да. Тад-

бирда Ўзбекистон Халқ таълими вазирининг муовини Муртазо Султонов, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар бошқармаси бошлиқ муовини Тоира Султонова, Собир Раҳимов тумани Халқ таълими булими таш-

килотчисини Музалямхон опа Одилова, Бобур номидаги маҳалла қумитаси раиси Мажид Абдуллаев ва бошқа азиз меҳмонлар ташриф буюришди. Ижодиёт Маркази директори Толиб Қорабоев тугарақларнинг фаол қатнашчилари бул-

ган болаларга Фахрий ёрликлар топширди. Ракетамодел тугарағи аъзолари уз ижодларидан намойиш этишди.

Бу ерга ташриф буюрган ўқувчилар узлари қизиққан тугарақларга аъзо булишди.
Л. ТҲТАЕВА.





— Қани Камол, «о-на, «ло-ла» сўзини ўрганганимиз лотин ҳарфларида ёзиб бер-чи.

Камол ўқишни ҳам, ёзишни ҳам қойиллатди, сўнг билганларини ўртоқларига ҳам ўргатди. Ўқитувчи келганда ҳамма болаларнинг уйга вазифаси тахт эди.

Ҳамма жойдаги каби пойтахтимиздаги 16-мактабда ҳам лотин «Алифбо»сини ўрганишга болалар қизиқиш билан киришганлар. Бундан ҳамма хурсанд.

Катта танаффусда

ЧЕЛАК ТОПИБ, МАШИНА ЙЎҚОТДИ

Бир кунни укам билан ойимникидан келаётгандик.

— Ҳой, қизча, мана бу чепак сеникимми? — деди бекатдаги аёллардан бири.

Мен «йўқ» деб жавоб бердим. Пекин уйга етиб келганимизда укамнинг уша чепакни кутариб келганини кўриб қолдим. Қаранг, эйтибор ҳам бермабман-а?

Шу воқеадан кейин орадан бир неча кун ўтди. Бир вақт кўчадан укам йўғлаб кириб келди. Мен нима бўлганини суриштирдим. У яқинда дадам олиб берган уйинчоқ машинасини йўқотиб қўйганини пиқиллаб гапириб берди. «Уша кунни бировнинг чепакини олиб келганинг учун шундай бўлди» дея тушунтирдим унга.

Ана шунда укам бировнинг нарчасини бекатга олиб келмаслигини тушунди.

Ушбу воқеани катта танаффусда 2-синф ўқувчиларидан бири гапириб бераётганини гувоҳи бўлдим. Бу ўқувчилар пойтахтимиздаги ҳинд тилини чуқур ўрганишга ихтисослашган 24-мактабда ўқишади. Катта танаффусни ҳар доим фойдали утказишга ҳаракат қилишади. Бунда кўпинча уларга устозлари Мусаллам опа Аъзамова кўмак беради.

Дилдора ЖҰРАЕВА,
Тошкент шаҳридаги
24-мактаб.



Оппоқ, юмшоқ, бўрсилдоқ нонлар. Айниқса янги тандирдан узилганда ҳиди иштахангизни қарнай қилиб юборади. Бу шарафли касбни Раъно опа Хусанова ўз ота-онасидан ўрганган эди. Энди бўлса новвойликни маҳалла қизлари ва ўз қизи Санобар Хусановага ўргатмоқда. Ушбу муқаддас хунарни ардоқлаётган оила аъзолари Акмал Икромов туманидаги янги тураржой мавзесида истиқомат қилишади. Санобар эса 177-мактабнинг 9-синфида ўқийди. Келгусида новвой бўлиш мақсади бор.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Қизилтепалик Шавқиддин Идиев ҳақида суз кетгудек бўлса, ёши улуғлар

ҲИММАТНИ

дан фақат илиқ гаплар, алқашлар эшитасиз. Болалар ҳам «ҳимматли амакимиз» дея таништиришади. Бунинг боиси бор албатта. Ҳозирги кунда ишбилармон, тadbиркор инсонлар жуда кўп. Лекин уларнинг ҳар бири ҳақида ҳам бундай олқишларни эшитавермаймиз. Балки Шавқиддин аканинг бағри кенглигию болажонлиги унга омад келтиргандир?

Тумандаги 36 мактаб, 10 дан зиёд мактабдан ташқари муассасаларни таъмирлаш ишларида кўмакдон бўлди,

Ҳар йили бу масканлар таъмири учун Когондан оҳак олиб келинарди. Шавқиддин аканинг ташаббуси билан узи

БУРЧ

хизмат қиладиган жазони уташ муассасасида оҳак пишириш цехи ташкил этилди. Ҳозирда вилоятнинг ҳамма мактаблари шу ерда чиқарилаётган арзон нарҳдаги оҳакдан фойдаланяптилар. Навоий ва Бухоро вилоятларида ўқувчилар партаси, уриндиклар топиш муаммо бўлиб келарди. Шавқиддин ака бу ишга ҳам бошқош бўлди. Россиянинг Свердловский вилоятидан мол айрбошлаш йули билан 60 кубометр ёғоч материаллари

олиб келиниб, 1500 дона ўқувчилар партаси ясаптирди. Янги ўқув йилида бухоролик ва навоийлик ўқувчилар янги ва қулай парталарда ўқишни бошладилар.

БИЛАДИ

Ҳимматни бурчим деб билган Шавқиддин ака Идиевнинг беминнат кумагидан маорифчилар, ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ҳам мамнун булишяпти. Кексалар эса дуода. Зеро, дуо билан эл кукаради, деб бежиз айтилмаган.

Сочоқ ЭГАМОВ,
Навоий вилояти,
Қизилтепа тумани,
Ўзбекистон жамоа
хўжалиги.

Бизнинг қишлоғимиз Жизмансой тоғ ёнбағрида жойлашган. Ширин сувли сойлари ва узундан-узун қирларини жудаям яхши қўраман. Айниқса, ана шу қўраман қирларимизни тулдириб қишнаб юргувчи отларни айтмайсизми?

Отлар менинг энг яқин дўстларим. Улар садоқатли ва меҳрибон бўлишади. Менинг Туриқвойим ҳам ақлли ва

лаб уйга шошиламан. Чунки Туриқвойни соғиниб қоламан-да.

Уйимизга яқинлашмасимдан у югуриб чиқади-да, юз-кузларимни искалаб, папкамини тишлаб олиб қочади. Апил-



ларимиз ургатишар эди. Бу гапларни Туриқвойга айтсам, кузлари чақнаб кетди. Оёқларини осмонга қилиб уйнаб

ЎРТОҚЛАРИМ ҲАВАС ҚИЛИШАДИ

меҳрибон от. Унинг отини Турсунбой отам, яъни катта отам қўйганлар. Катта отам Туриқвойнинг ёлларини силаб, тараса шундай эркалаб кетадики, асти қўяверасиз.

Ҳар кунни эрталаб синфдошларим Журабек, Мақсуд, Беходлар билан мактабга йўл олганимда Туриқвой ҳам бизга эргашади. Сой буйигача кузатиб боради. Кейин мен унга: «Энди уйга қайтавер, узоқларга кетиб қолмагин. Отамни қийнамагин» десам, бошларини силкиб, ортига қайтиб кетади. Уртоқларим шундай яхши отим борлигига ҳавас қилишади. Мактабда дарслар тугаши билан чопқил-

тапил тушлик қиламан-да, отимни стақлаб, мол-қўйларимни олдимга солиб, қирга йўл оламан. Туриқвой мол-қўйларга жуда яхши «куз-қулоқ» бўлиб туради. Яқинда бир яхши хабар эшитиб қолдим. Меҳнат ўқитувчиларимиз Маҳмасоли Абдуеаломов ва Абдумажид Акбаровлар биз билан биргаликда йилқичилик бригадаси ташкил қилишмоқчи экан. Жуда зур бўларди-да!.. Ушанда Туриқвойнинг ҳам дўстлари купаяди. Мен эса жон-дилим билан уртоқларимга отларнинг парвариши ҳақида яхши маслаҳатлар берардим. Биз билмаганларимизни эса ўқитувчи-

берди. Мен эса уни миниб, мактабга дадил жўнадим. Нима учун дейсизми, йўқ, ҳозирча бригада ташвишида эмас, у албатта ташкил булади. Мен уртоқларим билан обуна туғрисида малаҳатлашмоқчиман. Ахир «Тонг юлдузи»га обуна бўлсак, уни ўқиб, биз ҳам қувонамиз, бизнинг келгусида қилган хайрли ишларимиздан хабар топиб, «Тонг юлдузи» ҳам, сизлар ҳам қувонасизлар, туғрими?

Ғайбулла ЭШМУРОДОВ,
Самарқанд вилояти,
Каттақўрғон туманидаги
74-мактабнинг 7-синф
ўқувчиси.





бошлаб берди:

— Туманимизда 34 та мактаб, 61 та болалар боғчалари бор. Мактабларда 37 мингдан зиёд фарзандларимиз таълим-тарбия оладилар. Маҳаллаларимизда 6 та болалар клублари фаолият курсатяпти. Бу мактабларда усмирлар буш вақтларини мазмунли ўтказишяпти. Барча маҳаллаларда ҳам ана шундай клублар ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ буларди...

Туман прокурори Эркин АБЗАЛОВ:


— Фарзанд тарбияси ҳар биримиз учун биринчи галдаги вазифа булмоғи лозим. Бу муҳим вазифани фақат мактаб, ўқитувчилар зиммасига юклаб қўймай, маҳалла, ота-оналар, кенг жамоатчилик ҳамкорлигида иш олиб борсақгина, кузлаган мақсадга эришимиз мумкин. Зеро, фарзандларимизнинг билиб-билмай жиноят йулига кириб қолаётганликларига биз катталар, ота-оналар ҳам



ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ МАВЗУСИДА

Искандар синфга кириб келганида, хонада ҳеч ким йўқ эди. Бир-икки синфдош уртоқларининг папкалари турарди холос. У ҳам папкасини узи утирадиган уриндиққа қўйди, ташқарига йуналди. Шу пайт орқа парталардан бирида турган чиройли ручкага кузи тушиб қолди. «Хорижники булса керак» хаёлидан утказди у. «Кимники экан-а, Воҳидники-микан ё Шаҳнозаники?» Бироз томоша қилиб турди-да, бирдан фикри узғариб қолди. Ручкани костюмининг ички чунтагига солиб қўйди. «Сезишмаса, индамай кетавераман, билиб қолишса, ҳазиллашгандим, дейман...»

Хуш, Искандарнинг тутган йулини қандай баҳолаш мумкин?! Болалик шухлигим ё дустона ҳазил, дебми? Униси ҳам, буниси ҳам эмас, бориб



турган угирлик, жиноят эканлигини ҳамма болалар ҳам билаверишмаса керак. Шу маънода усмирларни қонунчилик билан таништира бориш, ҳуқуқий таълим бериш, босаётган ҳар бир қадамлари оқибатини уйлашлари лозимлигини ўқитиш мақсадида адлия ходимлари билан бевосита мулоқот ва учрашувлар уюштириш уз ижобий самарасини беришти. Яқинда ана шундай учрашувлардан бири Собир Раҳимов туманидаги 22-таъинч мактабида булиб ўтди. Давра суҳбатида Собир Раҳимов туман ҳоқими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Муҳайе Ганихужаева, туман судининг раиси Ҳамиджон Жалилов, туман прокурори Эркин Абзалов, Ички Ишлар Булими бошлиғи Бахтиёр Ҳақимов ва бошқалар иштирок этиб, ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналарини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб қайтардилар. Давра суҳбатини туман халқ таълими бўлими мудири Абдулла Раҳматуллаев

маълум маънода сабабчимиз. Бу йил усмирлар орасидаги жиноятчилик курсаткичи утган йилга нисбатан анча камайган. Туман буйича 172 нафар усмир вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг руйхатига олинган. Шу йилнинг 8 ойи мобайнида 72 нафар ота-она фарзанд тарбиясига эътиборсизлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган. Назаримда ҳали маҳаллаларда ота-оналар билан ишлашга етарлича эътибор берилмаётгани йўқ.

С. Раҳимов туман судининг раиси Ҳамиджон ЖАЛИЛОВ:

— Жиноят содир этган усмирни жазолаш жуда оғир. Фарзанд қисматидан қайғуриб, зор-зор йиғлаётган ота-онасининг куз ёшларини куриш ундан ҳам оғирроқ. Келинг, бундай аянчли ҳолнинг олдини олиш учун биргаликда ҳаракат қилайлик. Фарзандларимизнинг ҳар бир босаётган қадамидан огоҳ булайлик, шугулланаётган машғулотлари, дустлари ким эканлиги билан қизиқайлик. Фур-

сатдан фойдаланиб, эътиборингизни туйларимизга қаратмоқчи эдим. Кичик ёшдаги болаларнинг турли буюмларни портлатаётганликлари ҳеч биримизга сир эмас. Бундай қалтис болалик шухликларининг оғир оқибатлари ҳақида тушунтириш, таъқиқлаб қўйиш сизу бизнинг бурчимиз эмасми? Яна, вояга етмаган усмирларимиз орасида очик қолган автомашиналарнинг магнитофонларини ечиб олиш ҳоллари куплаб қайд этиляпти. Авваллари жиноят содир этган усмир 14 ёшдан жиноий жавобгарликка тортилган булса, эндиликда қонунга мувофиқ 13 ёшдан жиноий жавобгарликка тортилишнинг эслатиб утишни уз бурчим деб биламан.

Туман ички ишлар бўлими бошлиғи Бахтиёр ҲАКИМОВ:

— Вояга етмаган усмирлар орасидаги қонунбузарликлар, майда безорилик ва жиноятчиликнинг олдини олишда туман Ички ишлар бўлими ходимлари талайгина ибратли ишларни амалга оширишяпти. Утган йи-

ли 29 нафар усмир жиноят содир этган булса, бу йил бу курсаткич 14 тага қисқарди. Шу уринда туман Ички ишлар бошқармасининг ВЕИН катта ноziри, милиция майори Юрсун Исмаатовнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаш жоиз деб уйлайман.

Кўпинча жиноят устида қулга олинган усмирларимизни маҳалла оқсоқоллари кафилликка оладилар. Бу жуда яхши албатта. Лекин ачинарлиси шундаки, ҳалиги усмир орадан ҳеч фурсат утмай яна жиноятга қул уради. Менимча, маҳалла ва ота-оналар ҳамкорлиги яхши йулга қўйилмаган. Фарзандларимизнинг мактабларда, болалар ижодиёт марказларида, спорт комплексларида, фан

туғарақларида эмас, бозор-учарларда савдо-сотик билан шугулланаётганликлари ҳеч биримизни ташвишлантормай қўйди...

22-мактаб директори Ҳоқимжон ҲОШИМОВ:

— Менда бир таклиф бор: болалар билан ишлайдиган ҳудуд нозирлари тез-тез алмаштирилавермаса, мақсадга мувофиқ буларди. Милиция майори Юрсун Исмаатов Себзор даҳаси, эски шаҳардаги 22-, 23-, 146-, 310-, 119-, 36-, 159-мактаблар ва бошқа ҳудудларга узоқ йиллардан буён нозирлик қилиб келади. У мактабимиздаги ҳар бир болани яхши танийди, ҳатти-ҳаракатларидан хабардор. Қайси тарафга эътибор қаратишни яхши билади.

Яна бир гап: Авваллари мавзеимизда бир нечта спорт майдончалари бор эди. Ҳозир уларнинг бирортаси ҳам йўқ, ўрнига гаражлар қуриб ташланган, ўйин майдончалари хароб аҳволда. Хуш, болалар дарслардан буш вақтларида қасрга боришсин? Ўз-ўзидан кучага чиқиб кетишади. Бекорчиликдан эса турли нобой ишларга қул уришлари мумкин.

Маҳалла оқсоқоллари, ота-оналардан ҳам бир илтимосим бор. Усмирларни кеч соат 9-10 лардан кейин кучага чиқишларини таъқиқлаб қўйишса...

Давра суҳбатида шунингдек, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муҳайе Ганихужаева ҳам сузга чиқиб, фарзанд тарбиясида оналарнинг ўрни беқиёс-лиги, муаллим ва боғча тарбиячиларининг аксарияти аёллар экани ҳам бежиз эмаслиги ҳақида суз юритди. Ота-оналардан Себзор даҳасида яшовчи Умрзоқ ака Ботиров, Ҳожақбар ака Азимовлар айрим болаларнинг ўқотар ўйинчоқ пистолетлар уйнашаётгани, ҳар қадамда сигарет ва спиртли ичимликларни бемалол сотиб утиришлари ҳақида куюниб гапиришди.

Қизиқарли баҳс ва мунозаралар, савол-жавобларга бой булган давра суҳбатидан ҳар ким, болалар ҳам, катталар ҳам узларига тегишли хулосалар олишди.

Ф. ЖАЛИЛОВА.



Суратларда: 1. Собир Раҳимов туман судининг раиси Ҳамиджон ЖАЛИЛОВнинг суҳбатини усмирлар зўр қизиқиб билан тинглашди. 2. Ички ишлар бошқармасининг ВЕИН катта ноziри, милиция майори Юрсун ИСМАТОВни доимо болалар даврасида учратасиз. Р. АЛЬБЕКОВ суратга туширган.



Бувоқеа ёзги таътил бошланишидан бир оз аввалроқ булганди.

Отабек футбол уйнаётди, тупни каналга тушириб юборди. У копток ортидан югуриб кетаётган эди, канал қирғоғига тирмашиб чиқаётган кучук болани кўриб қолди. Дарҳол уни сувдан тортиб олди. У нимжон, ҳадеб инграрди.

— Ташлаб юбор, барибир ўлиб қолади, — деди уни ёнига етиб келган Сарвар.

— Йўқ, мен уни боқиб, катта қиламан, — деди кучукни қулидан қўймай Отабек. Сўнг уни уйига олиб кетди. Уйда уни яхшилаб ювинтирди ва эски пустинга ураб қўйди.

Отабек кучукка Палкан деб ном қўйди. Палкан кун сайин катта бўла бошлади.

У қоп-қора, пешонасидаги оқ кашқаси узига жуда ярашиб турарди. Отабек унга турли машқлар ургатар — баландликка сакрашни, сувда сузишни, отилган таёқчани топиб келишни ҳаммадан кура купроқ машқ қилдирарди. Каналга чумилгани чиққанда ҳам кучукчани олиб чиқишни канда қилмасди. Сувда «Ким узар»га уйнашарди. Ҳар гал Палкан Отабекдан узиб кетарди.

Орадан анчагина вақт ўтди. Ёзги таътил ҳам яримлаб қолди.

Отабек дадаси билан пичан ургани кетди. Угли кетгач, ойиси Палканни дарвоза тагига боғлаб қўйди. Узи қушни аёлниқига чиқиб кетди. Ит ёлғиз қолди. Шу пайт қушнинг дарвозаси «ғийқ» этиб очилди, қушларининг икки қизчаси чиқишди. Улар шухлик билан қуларидаги коптокни осмонга отиб уйнай бошлашди. Қизчаларнинг бири уйинқароқлик қилиб канал четига бориб қолди.

Бирдан оёғи сирпаниб, сувга шалолаб йиқилди.

Қизалоқнинг «Ойижон!» деб қичқиришидан Палканнинг қулоқлари динг бўлди. Лекин қанчалик уринмасин занжир ҳадеганда қозикдан чиқмасди.

Фалокатдан хабар топган қуни-қушлар канал томон ёпирилишди.

Шунда итнинг буйинбоғи узилиб кетди. Дарвозадан чиқа солиб, узини сувга отди. Қизалоқ энди сувдан гоҳ қалқиб чиқар, гоҳ чуқарди. Палкан жон-жаҳди билан сузиб, қизчага етиб олди.

Унинг қуйлагидан судраб, қирғоқ томон олиб чиқди.

Шу воқеадан сўнг ҳамма жониворлар ҳам яхшилиқни сира унутмасликларига яна бир бор ишонч ҳосил қилишди.

Озода ТУРСУНБОЕВА.

Тахририятдан: Азиз болалар, мана ёзги таътилда рўй берган ибратомуз бир воқеа билан танишдингиз. Сизлар ҳам ўтган дам олиш пайтингизда бошингиздан турли-туман қизиқ, ибратли воқеаларни кечирган бўлишингиз эҳтимол. Балки саёҳат вақтида, балки қишлоқда—бувингиз, бувангиз ёнида яхши одамларни кўргандирсиз. Бу ҳақда бизга ёзиб юборинг.

ЭНГ... ЭНГ... ЭНГ... ЭНГ... ЭНГ... ЭНГ...

Дунёда энг кўп марка йиққан коллекциячилар Америка Қўшма Штатлари Президент Франклин Рузвельт (1882-1945) ва Ҳиндистон Президенти Жавоҳарлаъл Неру (1889-1964) ҳисобланади.

Энг йирик кемирувчи каламушлар жанубишарқий Осиёдаги Филиппин оролларида тарқалган. Уларнинг буйи 80 сантиметргача етади.

Дунёдаги маймулларнинг энг улкани горилла эканлигини биламиз. Уларнинг баландлиги 2 метргача, вазни 250 килограммгача етади. Маймулларнинг энг кичиги эса уйинқароқ маймуллар оиласидан булган мармозетлар бўлиб, улар Жанубий Америка чангалзорларида яшайди. Бу маймулларнинг буйи 20-25 сантиметр, оғирлиги эса 250-500 грамм келади.

Сувсизликка энг кўп чидайдиган жонивор тўя эканлиги бизга маълум. Ҳақиқатдан ҳам бу уркакчи улкан жонивор сувсизликка 30 кунгача бардош бера олади. Она табииатимизда 100 кун

давомида сувсиз яшай оладиган жонивор ҳам бор экан. Фарбий ярим шарнинг шимолидаги саҳроларда тарқалган олмахон ана шундай камёб хусусиятга эга экан.

Куршапалакларнинг баъзи бир хиллари энг кўп — бир йилда 320 кунгача ухлар экан.

Мексиканинг Чианас штатида илм аҳлига маълум булмаган дарахт бақасининг энг митти бир тури топилган. Унинг узунлиги атиги 20 миллиметр дур.

Она заминимиздаги энг оғир китоблардан бири Лондондаги Британия музейида сақланаётган жүгрофий атласдир. Бу узига ҳос уқув қуролининг буйи 1 метр, оғирлиги эса 320 килограмм келади.

Ҳисоблашларига кура бир лақиқада дунёдаги барча почталардан урта ҳисобда 5 миллион донна хат етади.

Фозилжон ОРИПОВ тайёрлаган.



ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ, ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ, МАХСУС МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ, БАРЧА ҚИЗИҚУВЧИЛАР, ОТА-ОНАЛАР, ЭЪТИБОР БЕРИНГ!

БАДИИЙ СТУДИЯЛАРГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Болалар бадиий ижодиёти Республика маркази шу йилнинг октябридан бошлаб 6 ёшдан 16 ёшгача булган иқтидорли болалар ва усмирларни қуйидаги бадиий студияларга қабул қилади.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ, НАҚҚОШЛИК, ҲАЙКАЛТАРОШЛИК, КУЛОЛЧИЛИК, ЧИННИСОЗЛИК, ЛАК МИНИАТЮРАСИ, БАДИИЙ ТЎҚИШ, МИЛЛИЙ КАШТАЧИЛИК, ЗАРГАРЛИК, ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ, ЧАРМДАН БАДИИЙ БУЮМЛАР ЯСАШ, ЗАМОНАВИЙ ЛИСОБЛАР ТИКИШ УСТАЛАРИ.

Юқоридаги студияларни муваффақиятли тамомлаган ёшларга махсус гувоҳномалар берилади.

Бизнинг манзил: Миробод тумани, Динмуҳаммад Қунаев кўчаси, 15-уй. (собиқ Сапёрная кўчаси). Телефонлар: 566229, 544721.

<p>ТОНГ ЮЛДУЗИ Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси</p>	<p>Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА</p>	<p>Тахрир хайъати: Наримон ОРИФЖОНОВ, Омон МАТЖОН, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Марат ШАФИЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА.</p>	<p>IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0578. 7691 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга тошириш вақти 19.00. Тоширилди — 18.30</p>	<p>• Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137 • Маъзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. • Нашр курсаткичи: № 64563 • Телефон: 33-44-25</p>
---	--	---	---	--